



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Абдухоликова Насиба Алижановна

Наманган муҳандислик-технология институти

“Ижтимоий фанлар” кафедраси асистенти.

E-mail: Sotsial.nauki@gmail.com

ТАЛАБА ЁШЛАРНИНГ ИТЕРНЕТ КОМУНИКАЦИЯ ХОЛАТИ: МУАМО ВА ЭЧИМЛАРИ

Аннотация. Замонавий ахборот технологиялари аҳоли ҳаётининг барча соҳаларида ахборот қабул қилиш, узатиш ва сақлашнинг қулайлиги билан тўла қамраб олиши одамлар турмушини ўзгартириб юборди. Шу боис мақолада ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжининг динамик ўсишидан Интернет тобеликдан ижтимоий тармоқларга қарамликни фалсафий таҳлилига бағишланган.

Калит сўзлар. Интернет -коммуникация, ижтимоий тармоқларга тобелик, рухий ҳасталик, тобеликни профилактика методлогияси.

Аннотация. Современная глобальная информационная технология тотальным охватом жизни населения с удобными возможностями в приеме и передачи информации, хранении коренным образом изменил жизнь людей. В этой связи в статье посвящена философского анализа динамичного роста в потребности к информации молодежи, что переходит от Интернет зависимости к зависимости социальным сетям.

Ключевые слова. Интернет-коммуникация, зависимость от социальных сетей, психическая паталогия, методология профилактики зависимости.

Summary. Modern global information technology with a total coverage of the life of the population with convenient opportunities for receiving and transmitting information, storage has radically changed the life of people. In this regard, the article is devoted to the philosophical analysis of the dynamic growth in the need for information of young people, which is moving from Internet addiction to addiction to social networks.



Keywords. Internet communication, addiction to social networks, mental pathology, addiction prevention methodology.

Дунё миқёсида глобаллашув ва ахборот технологияларининг тараққиёти ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ҳаётнинг барча соҳаларида туб ўзгаришларга сабаб бўлди. Кишилиқ жамияти ахборотлашган жамиятга ўтиши билан ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида ахборотнинг муҳим тараққиёт омилига айланиш даврини бошлаб берди. Шу боисдан жаҳон ҳамжамияти томонидан ИНТЕРНЕТ билан боғлиқ ахборот воситаси жаҳон ҳамжамиятининг барча қисми учун янги алоқа муносабатларига имконият яратди. Бу ҳол ўз навбатида ёшларнинг ахборот тизимларидан фойдаланишда бир томондан, замонавий ахборот коммуникациялари бўйича махсус билимга эга бўлиши, иккинчи томондан ахборотлашган жамиятда фуқаронинг ахлоқий маърифатига эҳтиёжни заруриятга айлантиради.

Ўзбекистонда жамиятнинг ахборотлашув жараёнларининг олий таълим тизимида жиддий таъсир кўрсатади. Чунки, талаба ёшларнинг ахборотга бўлган қизиқиши ижтимоий табақаларнинг орасида юқори ҳисобланади. Шу маънода ахборотларнинг миқёси ва соҳаси жиддий кенгайиб, уни, қайта ишлаш, узатиш имкониятлари қулай ҳолатга келади. Айни вақтда жамиятнинг ахборотлашуви деганда ОАВ, айниқса электрон ахборот тизимида Интернетнинг қулайлиги, ахборотни олиш имкониятларининг оператив тезлиги ҳам ёшларни ахбороткоммуникациясига яқинлаштиради.

2020 йилнинг март ойидан бошланган “COVID-19” пандемияси шароитида олий таълим тизими талаб ёшларнинг касбий таълим олишини таъминлаш масофали таълим тизимида ўтишга олиб келди. Шу маънода масофали таълимнинг самарали жиҳат ва хусусиятларини ўрганиш илмий-услубий аҳамият касб этади. Бу ҳол мамлакатимизда таълим сиёсати, олий таълимнинг масофали тизимини янада самарадорлигини оширишда ижобий қимматга эгадир. Ўқув йили бошида бошланган ўқув-услубий жараёнини барқарорлиги, талаба ёшларни билим олиш имкониятларини таъминлаш мақсадида олий таълим тизимининг барча йўналиш ва мутахассисликлари учун ўқув фанларининг платформалари ташкил этилиб, унга фаннинг барча ўқув материаллари юкланди. Натижада талабалар учун фан асосларини эгаллашда бир қатор қулайликлар яратилди: талаба республикамизнинг ҳоҳлаган нуқтасидан, ўзи учун қулай вақтда платформага кириб белгиланган мавзунини тўла, мустақил ўзлаштириш имкони туғилди. Талаба ортиқча сарф-ҳаражат қилиб институтга келиш, кўп вақтини маиший-ташкилий ишларга сарф этишдан халос бўлди.

Бу йил масофали таълим республикамиз олий таълим тизимида онлайн-курс, онлайн-маъруза, онлайн-семинарларнинг ташкилий тажриба даврини Европа ва Осиёнинг онлайн ўқув тизими бўйича етакчи давлатлари ҳам бошидан кечирган. Эътироф этиш лозимки, онлайн таълимнинг оммалашуви пандемия билан эмас, балки дунёнинг етакчи давлатлари юксак савияда онлайн ўқув курслари бозорини яратиш, масофали таълимнинг ўзига хос “бренди”га ҳам эга бўлдилар¹. Таълим соҳасида алоҳида давлатлар дунё бўйича турли-туман касбларда мутахассисларни тайёрлаш юзасидан юксак касбий салоҳиятга эришган

¹ Джанелли М. Электронное обучение в теории и практике и исследованиях // Вопросы образования - 2018. - № 4. - С. 81.



янги авлод мутахассисларига малака дипломи ва сертификатларини топшириш одатдаги ҳолга айланди. Бу дунё бозорида янги товар-онлайн таълим “товар”ларининг майдонини ҳосил этди.

Дунё миқёсида таълим тизимининг бизнес соҳасига айланиб кетиши таълим соҳасининг глобаллашуви орқали таълим хизматлари кўрсатувчи ва истеъмол қилувчи давлатларга айланди. Бу ҳол ўз навбатида таълим хизматлари кўрсатувчи давлатларнинг транснациональ ўқув марказларининг беқиёс ўқиши, истеъмолчиларнинг эса “истеъмолчи талаба” даражасида қолиб кетишига сабаб бўлади. Шу маънода дунё ахборот майдони ҳам иқтисодиёт билан бирга маънавий монополия соҳасига ажралиб бормоқда.

Глобаллашаётган ахборот майдони, таълим сервисининг монполиялашуви шароитида Ўзбекистон Республикасининг таълим сиёсати жаҳон ҳамжамиятида ўзининг ўрнига эга бўлиши, илм-фан ютуқлари билан ҳамқадам бўлишини талаб этади. Билакс, ахборот майдони ва масофали таълим тизимининг тараққиёти юртимизнинг келгуси асрдаги нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки маънавий-маърифий турмуш тарзини ҳам белгилаб беради. Республикамиз таълим тизимида олий таълим онлайн машғулотларини бошланғич социологик тахлилининг кўрсаткичлари кутилган даражада эмаслигини таъкидлоб ўтиш даркор.

Республикамизда “Электрон ҳукумат”нинг ишлаши, замонавий ахборот- таълим коммуникация технологияларининг кириб келиши билан ёшларнинг ахборот майдонига тортилиши жиддий ўсишини ҳисобга олган ҳолда таълим маърифати, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини фалсафий асосларини жиддий шакллантиришга эҳтиёж туғилади. Зеро, рақамли иқтисодиёт шароитида таълимнинг янги онлайн сервис тизими бизнес даражасида ишлаши ривожланган давлатларнинг «blended learning», «flipped classroom» масофали таълим хизматларига рақобатбардош миллий таълимда ишни ташкил этишга тўғри келади. Миллий таълим ва тарбия уйғунлигида ўқув жараёнларини онлайн шаклидаги тажрибаларни янада шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Марказий Осиё халқлари таълим-тарбия миллий менталитет ва тажрибаларга таянган ҳолда бўлиши, таълим интизоми, илм-фан, маърифатнинг устуворлигида ўқитувчининг макomini мустаҳкамлаш ишига эҳтиёж ортиб боради. Олий таълим маърифати ёшларнинг бошланғич синфдан бошлаб мактаб маданияти, илмий дунёқарашини шакллантиришга бўйсиндирилмоғи керак. Талабани фанлар бўйича ўзлаштиришга мажбурлаш тизимини йўлга қўйилмас экан касбий нуксонли ёшлар ишлаб чиқаришда ўз ўрнини тополмайди.

Талаба ёшларнинг ижтимоий тармоқларга боғланиши Ўзбекистонда 2001 йилдан компьютер технологиялари, Интернет тармоғини кенг миқёсда уланиши билан бошланган. “Интернет-коммуникация” шахс билан ахборот қурилмаси, яъни компьютер ва унинг ёрдамида ўзга шахслар билан алоқада бўлишни назарда тутилиши маъносида илмий адабиётларда муҳокама қилинган. Интернет тобелиги турли ёшдаги ва ҳудуддаги ёшларда турлича намоён бўлиши мумкин. Шундай бўлса-да, россиялик олимларнинг интернет қарамлигини хусусиятларини қуйидагича янада шакллантириш мумкин:

–Ижтимоий тармоқлардаги мулоқотларнинг мутлақо шахсийлиги ва унинг ўзаро масофадалиги;



–томонларнинг ўзаро “парда ортида” бўлиши, ижтимоий ҳамкорликни ёпиқ шаклдаги имконияти;

–янги суҳбатдошни топиш ва мулоқотни давомийлигини белгилаш, ўзаро бир-бирида мажбуриятни юкланмаслиги, назоратдан четда бўлиш;

–янги жамоадошлар сонини кенгайтириш, ўзининг улар орасида ижтимоий иштирокчи мақомини мустаҳкамлаш, аслида виртуал етакчи ёки қаҳрамонликка эришиш;

–чексиз-чегарасиз ахборот майдонида бўлиш ва чекловни мавжуд эмаслиги кабиларга гуруҳлаштириш мумкин. Мазкур интернет тобелиги классификациясини шакллантиришга доир анологик жиҳат ва хусусиятлар ўзга илмий тадқиқотларда ҳам учрайди². Мазкур таърифдан хулоса қилиш мумкинки, интернет тобелик мазмунан Интернет қарамлигини ифодалайди. Интернетга уланмаган курилмаларда ёшларнинг кўп вақтини ўтказиши компьютер коммуникацияси деб ҳисоблаш мумкин. Шу ўринда ўзга давлатларнинг ёшларига нисбатан ўзбек жамиятига хос бўлган ижтимоий ҳодиса аёлларнинг телефонга тобелиги “смарт- куллик” кузатилмоқда. Унинг таҳдиди 16-28 ёшдаги аёллар орасида патологик тарқалиши оила ва никоҳ муносабатларида низо ва можароларга сабаб бўлиши хусусида баҳс-мунозаралар кўп учрайди.

Ёшларни ижтимоий тармоқларда фаоллиги масаласи ўсиб бориши кейинги йилларда жиддий ўсиб бормоқда. Вконтакте, Одноклассники, Facebook, Twitter, Instagramда фойдаланувчиларнинг сон 40 миллиондан ортиши, уларнинг асосий қисми талаба ёшлар эканлиги ҳам масалани жиддий тадқиқи миллий барқарорлик билан боғлиқ эканлигини тасдиқлайди. Чунки глобал алоқа дунё ахлини миллати, элати, келиб чиқиши диний ёки ўзга қарашларидан қатъий назар бир маконда виртуал жамлаши билан эстетик қувончни ўйғотади.

Ижтимоий тармоқлар оммавийлик мафқурасида ёшларни реал воқеликдан онлайн дунёдаги ўзгача муҳитга олиб кириши билан ҳаёт мазмуни, ижтимоий мақсадлилиқни одам онгидан сиқиб чиқариши билан ҳаётдан кўра ўлимга чақирувчи тармоқларни хавфи ортиб бормоқда. Мутахассисларнинг тадқиқотлари Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш маълумотларига кўра йилига 800000 одам ўз жонига қасд қилишини очиклантирмоқда. Шу билан бирга ижтимоий тармоқларга мурожаат қилган 5532 фойдалаувчи ўз жонига қасд қилганлигини ҳам эълон қилган³. Шу маънода Интернет тобелик ўз моҳиятига кўра ижтимоий тармоқларнинг умумий йиғиндисини ифодалайди. Шунинг учун ҳам ижтимоий тармоқларнинг ижобий ва салбий яратувчи ва бузғунчи сайтларга бўлиш Интернет қарамлиқнинг мазмунан англашда услубий мақсадга мувофиқдир. Шунда интернет инсон ҳаётига қанчалик кириб борса-да, лекин ундан фойдаланишнинг оқилона виртуал медиамаданияти муҳим аҳамият касб этади. Боз устига ижтимоий тармоқларнинг моҳият мазмуни одамни диний ҳис-туйғуларига таяниб, диний экстремизм ва терроризмга жалб этишга уриниш ҳолатлари учрайди. Интернетнинг ижтимоий тармоқларида диний омил ёшларнинг ғоявий тобелигида қулай восита эканлигини ҳам эътироф этамиз. Айни вақтда юқоридаги муаллиф 76 % талабалар интернетга қаттиқ боғланиши туфайли ўқув

² Войскунский А. Е. Феномен зависимости от Интернета // Гуманитарные исследования в Интернете / под ред. А. Е. Войскунского. – М.: Наука, 2000. – С 104.

³ Шаматова Ю.Ю. Интернет – зависимость молодежи // Таврический научный образователь. –2016. – № 11 (16). – С.51.



машғулотларида фаллиги жиддий пасайганини, лекин 24 % ёшлар интернет тармоқларини ёшлар фаолиятига салбий таъсирини ҳали сезмаслиги юзасидан фикрларига ҳамфикрмиз. Бизнинг сўровларимизда ёшларнинг кўпчилиги телеграмм каналидан ахборотни олиш қулайлиги, унда фан бўйича каналларда етарлича маълумотлар базаси билан бирга маънавий-ахлоқий тубанликка етакловчи ёшларга мўнжалланган каналларнинг ҳам кўплиги билан масалани изохлаш мумкин

Ижтимоий тармоқ ўзига хос онлайн платформа сифатида турли туман маълумот, хабарларни жамлаши, унда фойдаланиувчиларнинг танишуви ва алоқалари, муносабатлари, уларни қизиктирган муаммолар юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашуви макони бўлиб шахсни масофали суҳбатида бир-бирига “жозибали” виртуаллик билан рухий коммуникация ҳолатини ҳосил қилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки ахборот қарамлигини интернет тизимидан фойдаланишни қисқартириш ёки ёшларни тадқиқий йўл билан унга қарши маъмурий интизомий кураш натижа бермайди. Шунинг учун таълим маърифати, айниқса ахборот бағрикенглик маданияти ёшларнинг ижтимоий алоқа ва муносабатларида ижтимоий иммунитет асосда яхши ва ёмонни ажратиш имконини беради. Ахборот бағрикенглик иммунитетини деганда ёшларнинг режим асосида ахборот майдонида бўлиши, маълумотлар билан ишлаши, зарарли тармоқдан ҳимояланиш, илмий салоҳият ва билим учун фойдаланишни назарда тутати.

Адабиётлар

1. Джанелли М. Электронное обучение в теории и практике и исследованиях // Вопросы образования - 2018. - № 4. – С. 81
2. Войскунский А. Е. Феномен зависимости от Интернета // Гуманитарные исследования в Интернете / под ред. А. Е. Войскунского. – М.: Наука, 2000. – С 104.
3. Шаматова Ю.Ю. Интернет – зависимость молодежи // Таврический научный образователь. – 2016. – № 11 (16). – С.51.
4. Иван Голдберг // https://dic.academic.ru/dic.nsf/ruwiki/932821#cite_e- (Дата обращения 01.12.2021)
5. История и понятие интернет-зависимости // <https://netaddiction.ru/1> (Дата обращения 01.12.2021)
6. Ларионова С. Дегтярев А. Интернет-зависимость у студентов: вопросы профилактики// Педагогическое образование в России. – 2013. – № 1. – С.232-239
7. Руденкин Д. Интернет-зависимости российской молодежи: миф или реальность// Социум и власть. – 2019. – 4 (78). – С. 16 – 28;
8. Соломонова А. Данилов Д. Зависимость молодежи от Интернета// Приоритетные направление развития науки и образования. – 2014. –